

IMEI-код ҳақида нималарни билишимиз керак?



2-бет

Молия бошқармаси маънавий зарарни тўлади



5-бет

Иш вақтингиз қанча? Сиз қанча вақт ишлайсиз?



6-бет

“Коврак” пора эвазига униб ўсгиси келмади



8-бет

# ИНСОН ҚОНУН

26 ноябрь 2019 йил / № 47 (1199) [www.insonvaqonun.uz](http://www.insonvaqonun.uz) [insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

## СИРДАРЁДА САЙЁР ҚАБУЛ

СИРДАРЁДА Адлия вазири Русланбек Давлетов бошчилигида Республика ишчи гуруҳининг тadbиркорлик субъектлари билан сайёр учрашуви ўтказилди.

Унда Гулистон шаҳри (Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари, Боёвут, Ховос) ҳамда Сирдарё (Сирдарё, Сайхунбод, Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод) туманида ташкил этилган сайёр қабулларда 600 нафардан зиёд тadbиркорлар иштирок этди.

Ушбу тadbирлар “Адлия тadbиркорга дўст” лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, давлатимиз раҳбарининг “Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар

ижросига қаратилди. Шу билан бирга, тadbиркорларнинг муаммолари жойида ўрганилиб, ҳал этилишига кўмаклашишга эътибор берилди.

Учрашувларда бизнес вакиллардан 150 га яқин мурожаатлар қабул қилинди. Мурожаатларнинг аксарияти ер ҳамда имтиёзли кредит ажратиш, бузилган бино ва иншоотлар учун компенсация маблағларини ундириш масаласида бўлди. Уларнинг 70 фоизи тегишли ташкилотлар билан бирга жойида кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Ҳал этилиши муддати белгиланган мурожаатлар назоратга олинди.



Давоми 3-бетда

Акс-садо



ФАРЗАНДНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН!

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 12 ноябрдаги 45-сонида чоп этилган, ҳамкасбимиз Маруза Ҳосилованинг қаровсиз ва ота-она меҳридан мосуво бўлган болалар тақдири ҳақидаги “Биз уларни кимга ишонаймиз?” сарлавҳали мақоласи мени жуда тўлқинлантирди. Фикримча, мақолани ўқиган аксарият муштарий шундай ҳолга тушган бўлса керак. Негаки, муаллиф таъкидлаганидек, биз жуда болажон халқимиз.

Аммо орамизда фарзанд аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етмайдиган, унинг тарбиясига, келажақ тақдирига бефарқ бўлган, ҳатто кимгадир аччиқ қилиб, ўз қўли билан жигарбандининг умрига зомин бўлаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Аслида уларни ота-она дейишга ҳам тил бормайди.

Мақолада ҳамкасбимиз Навоий вилоятидаги “Меҳрибонлик уйи” ва вилоят ИИБ хузуридаги вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида тарбияланаётган болалар мисолида фикр-мулоҳаза юритган. Айниқса, вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига келтирилган 4 ёшли қизалоқнинг онаси мунтазам равишда уриб, дўппослаб, қўл-оёғини синдиргани, бу ҳолат ўтказилган профилактик тadbирлар мобайнида аниқланиб, қизча марказга олиб келингани, бемехр аёл эса суд томонидан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳар қандай кишини ўйга толдиради. Бироқ жойлардаги ҳамма муассасаларда ҳам вояга етмаганларга, болажонларга эътибор бирдек эмас.

Давоми 3-бетда

## “СНОС”

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИШ ТАРТИБИ (ВМК 911, 16.11.2019 й.)

2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КУЧГА КИРАДИ

ЕР УЧАСТКАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШГА ЗАРУРАТ ТУФИЛГАНДА:

1 ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида **очик муҳокама ўтказилади**

2 дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади, компенсация бериш учун етарли ресурслар мавжудлиги ўрганилади



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН:

3 ер участкаси олиб қўйилишидаги **фойда ва харажатлар ўрганиб чиқилади**



4 ресурслар етарли бўлганида ҳамда фойда харажатлардан устун келганда **ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади**

**ИЗОҲ:** Ҳокимлар қарор қабул қилиш ваколатига эга эмас

5 олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасидаги **кўчмас мулклар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади**

6 ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ва **ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади**

7 келишилган компенсация берилмагунча **кўчмас мулклар бузиб ташланишига йўл қўйилмайди**

МУЛҚДОРЛАРГА КЕЛИШИЛГАН КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛГАНДАН СЎНГ:



8 • мулкдор томонидан **кўчмас мулк бўшатиб берилади**  
• ҳокимликлар томонидан **кўчмас мулкни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор** лойиҳаси **адлия органларига хулоса олиш учун юборилади**  
• адлия органлари компенсация берилганлиги, уй-жойлар амалда тўлиқ бўшатирилганлиги ва бошқа ҳолатларни ўрганади ҳамда **ҳокимликларга тақдим этади**  
• адлия органларининг хулосаси **ижобий бўлган тақдирдагина** **кўчмас мулкни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади**

9 ер участкалари олиб қўйилиши билан боғлиқ қонун талаблари ижросининг **назорати прокуратура органлари томонидан амалга оширилади**

10 **агар ер участкаси хусусий мулк бўлса**, ушбу тартиб уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

# IMEI-КОД борасида нималарни билишимиз керак?

АЙНИ кунларда мобил қурилмаларнинг (планшет, смартфон ва бошқалар) IMEI-кодидан рўйхатдан ўтказиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Бир қарашда ўта технологик, мураккаб, ammo ҳар бир фуқаро учун муҳим бўлган ушбу тизим ҳақида кўплаб саволлар юзга келмоқда. Шунинг эътиборига олиб IMEI-код тўғрисида энг кўп берилмаётган долзарб саволларга ойдинлик кирамиз.

**IMEI-код нима?**  
 Мобил қурилманинг 15 хоналик рақами IMEI-код дейилади. IMEI-код барча мобил қурилмаларда мавжуд бўлиб, SIM-картанинг ҳар бир слотига алоҳида берилади. Агар мобил қурилмада SIM-карталарнинг икки ёки ундан кўп слотлари мавжуд бўлса, ушбу мобил қурилма икки ёки ундан ортиқ IMEI-кодларга ҳам эга бўлади.  
 Демак, агар Сизда иккита SIM-карта билан ишлайдиган мобил қурилмангиз бўлса, иккала IMEI-кодни ҳам рўйхатдан ўтказишингиз лозим.

**Рўйхатдан ўтказиш нега керак?**  
 Мобил қурилмаларнинг IMEI-коди/кодларини текшириш орқали сифатсиз, инсон соғлиғига зарар келтирадиган ва республика ҳудудида ноқонуний йўл билан олиб қилинган қурилмалар савдосининг олдини олиш учун;  
 • мобил қурилма йўқолиб қолган ёки ўғирланган ҳолатда унинг қидирув ишларини тезкор амалга ошириш учун;  
 • мобил гаджетларни кўллаган ҳолда содир этиладиган жиноятларни самарали ва тезкор фож этиш учун;  
 • Ўзбекистон телекоммуникация бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун.

**Қурилманинг IMEI-кодиди қаердан билиш мумкин?**  
 IMEI-кодни қурилманинг клавиатура-расида \*#06# буйруғини териш орқали билиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу код қурилманинг қутисидан, кафолат картасидан ва айрим қурилмаларнинг батареяси остида ёзилган бўлади.

**Қачон рўйхатдан ўтказиш керак?**  
 Қурилмага биринчи мартаба SIM-карта қўйилганидан кейин 30 кун ичида унинг IMEI-коди рўйхатдан ўтказилиши керак.

**Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодлари тизим операторига мурожаат қилиш орқали:**

- 1 ноябрдан 1 декабргача — бепул;
- 1 декабрдан сўнг — тўлов асосида рўйхатдан ўтказилади.

**Рўйхатдан ўтказилмаса, нима бўлади?**  
 Қурилма орқали биринчи тармоқ ҳодисаси содир этилгандан бошлаб 30 кун ичида IMEI-коди рўйхатдан ўтказилмаса, унинг SIM-слотига маҳаллий алоқа оператори то-



ўйлаймизки, юқоридаги маълумотлар Сиз учун фойдали бўлди. Асосийси, IMEI-кодни рўйхатдан ўтказиб бераман, деб катта миқдорда маблағ талаб қилаётган фирибгарларнинг қурбонига айланманг. Ҳозирча (1 декабргача), IMEI-кодлар бепул рўйхатдан ўтказилмоқда. 1 декабрдан сўнг эса қанча маблағ эвазига рўйхатдан ўтказилишини билиб олдингиз.

**Унутманг! Ҳар бир мобил қурилманинг IMEI-коди рўйхатдан ўтказилиши шарт!**

**ДИҚҚАТ!**

**!** Бу ҳамма билиши лозим бўлган маълумотлар, чунки ҳадемай IMEI-кодларни бепул рўйхатдан ўтказиш учун берилган муддат тугайди.

монидан хизмат кўрсатиш тўхтатилади. Яъни, ушбу қурилма орқали уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш имкони бўлмайди.

Қурилма IMEI-коди рўйхатдан ўтказилгандан кейингина SIM-слотга маҳаллий алоқа оператори тамонидан хизмат кўрсатиш тикланади.

**Қанча тўлов эвазига рўйхатдан ўтказилади?**  
*Битта IMEI-коди учун БҲМдан фоиз ҳисобидан (2019 йил 1 сентябрдан БҲМ 223 000 сўмга тенг):*

- импорт қилувчи учун — 20 фоиз (44 600 сўм);
- ишлаб чиқарувчи учун — 10 фоиз (22 300 сўм).

*жисмоний шахс (резидент) учун биринчи тармоқ ҳодисасидан бошлаб:*

- 30 кун ичида — 20 фоиз (44 600 сўм);
- 30 кун ўтгандан кейин — 25 фоиз (55 750 сўм);

*жисмоний шахс (норезидент) учун:*

- чет эл SIM-картасидан (роумингдан) фойдаланилганда — бепул;
- маҳаллий SIM-картадан 30 кун ичида фойдаланилганда — бепул;
- маҳаллий SIM-картадан 30 кун ўтгандан кейин фойдаланилганда — 20 фоиз (44 600 сўм).

**Тизим операторига қандай мурожаат қилинади?**  
 Бунинг 5 та йўли бор:

- 1) uzimei.uz сайти орқали;
- 2) my.gov.uz сайти орқали;
- 3) 1170 рақамига SMS юбориш орқали;
- 4) \*1170# га USSD сўров юбориш орқали;
- 5) Почта алоқа бўлимига ёки Тизим операторига (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 18-А манзилига) шахсан бориш орқали.

**SIM-карта ўзгартирилганда, IMEI-кодни қайта рўйхатдан ўтказиш керакми?**

Йўқ. IMEI-код 1 мартаба UZIMEI тизимида рўйхатдан ўтказилади. SIM-карта ўзгартирилганда IMEI-кодни қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

**Ҳолатни қандай текширса бўлади?**

- 1) UZIMEI расмий веб-сайти орқали;
- 2) 1170 қисқа рақамига қўнғироқ қилиш орқали;
- 3) 1170 SMS юбориб ёки \*1170# USSD сўровлари ёрдамида.

# АЛИМЕНТ ҲАҚИДАЧИ?

**1. Алимент қандай тартибда ундирилади?**  
 Вояга етмаган болага алимент тўлаш тартибини ота-она ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақли. Ушбу мажбурият ихтиёрий равишда ба-жарилмаса ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

**2. Алимент тўлаш асосан отанинг мажбуриятига қарайдими?**  
 Йўқ. Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

**3. Алимент қачондан ундирила бошлайди?**  
 Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар қўрилганлиги, ammo алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

**4. Алимент қачонгача ундирилади?**  
 Вояга етмаган болага алимент у вояга етгунга қадар тўланади.

**5. Вояга етган болага ҳам алимент тўланадими?**  
 Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Бунда таъминот бериш ота-онанинг келишувига кўра амалга оширилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал қилинади.

**6. Алимент қанча миқдорда ундирилади?**  
 Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — 1/4 қисми; икки бола учун — 1/3 қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — 1/2 қисми миқдоридан ундирилади.

Вояга етган болага алиментнинг миқдори суд томонидан ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.


**7. Алимент тўловчи ҳеч қаерда ишламасачи?**  
 Агар алимент тўловчи ишламаса, алимент ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.

**8. Бола касал бўлганда ва бошқа ҳолатларда қўшимча моддий таъминот олинадими?**  
 Боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда ота-она иштирок этиши шарт.

**9. Алиментни олдиндан тўлаш мумкинми?**  
 Ҳа. Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунга қадар бўлган давр учун, шу жумладан кўчмас ёки кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўлашиши мумкин.

**10. Алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод этиш мумкинми?**  
 Ҳа мумкин. Алимент тўловчининг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек қонунчиликда белгиланган бошқа бир қатор ҳолларда алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларнинг тўлиқ таъминотида бўлса, суд тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиши мумкин.



1-бетда

Давоми. Бошлонғиши

1-бетда

Давоми. Бошлонғиши



## СИРДАРЁДА сайёр қабул

Сайёр қабулда ўз оилавий корхонасига эга бўлган тadbиркор Ҳафиза Раҳимова ҳам иштирок этди.

— Мен Гулистон тумани Ишонч МФЙда қолигли нон ишлаб чиқариш оилавий корхонасини очган эдим. Электр тармоқлари корхонаси томонидан тез-тез огоҳлантиришсиз ўчиришлар тўғрисида зарарга кириб кетди. Бу биринчи масала, иккинчи масала ҳаммиса ўз вақтида солиқ тўлаганимга қарамасдан, туман давлат солиқи идораси томонидан доим банкдаги ҳисоб рақамимни музлатиб қўйишди. Нега бундай бўлди, тушунтиришлар десам, кўпол гапирди, тушунтирмайди. — дея арз қилди Ҳафиза Раҳимова. — Ростки, кейинги вақтда оилавий корхонамни ёпсаммикан, деб ўйлаб қолдим.

Сайёр қабулда Ҳафиза Раҳимова-нинг биринчи муаммоси вилоят, туман электр тармоқлари мутасаддилари билан муҳокама қилинди. Корхонани огоҳлантиришсиз электр тармоғидан узиб қўйишгани учун судга ариза билан мурожаат қилишини, бунда айбдор томонидан келтирилган зарарни ундириш мумкинлиги тушунтирилди.

Ҳафиза опанинг иккинчи муаммоси вилоят ҳамда туман давлат солиқи идоралари раҳбарлари билан муҳокама қилиниб, агарда тadbиркорнинг қарзи бўлса, тушунтириш, қаерда хатога йўл қўётганлигини кўрсатиш, қарзи мавжуд бўлмаса-ю арзимаган сабаб билан юқоридаги ҳолат такоррланаётган бўлса, тadbиркорнинг фаолиятига тўсиқ қўйиш ҳисобланиб, солиқ идораси ходимига нисбатан жазо чораларини қўллаш лозимлиги тушунтирилди.

Ушбу тadbиркор сайхунбодлик тadbиркор Дилфуза Ортиқова ҳам

қатнашиб, ўзини қийнаётган масалалар бўйича мурожаат қилди. Унинг сўзларига кўра, хусусий клиникасига тиббиёт ускуналари олиб кириш учун банкдан 130 минг АҚШ долларлик 9 фоизли кредит сўраган. Бироқ банк кредит ажратишни асоссиз равишда рад этилган. — Ҳиндистондан инвестиция олиб кириш учун меморандум имзоланган, инвестор томонидан шартнома шартлари бажарилган, аммо банк панд бермоқда. — дейди Д.Ортиқова сайёр қабулда. Бу борада ишчи гуруҳи мавжуд ҳолатни ўрганиб, тегишли ташкилотларга муаммони ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ховос туманидан келган ёш тadbиркор Жасурбек Байзоқов ўз маблаглари ҳисобидан замонавий минифутбол майдончаси қургани, аммо охиригача битказиш ва жиҳозлаш учун имтиёзли кредит зарур. Имтиёзли кредит олиш масаласида муаммога дуч келган. У ўз лойиҳа-

сини “Обод қишлоқ” Давлат дастурига киритишларини истади.

Шу билан бирга Жасурбек ундан ноҳақ, бошқа ҳудудларга қараганда 2,5 баробар кўп солиқчи тортишаётганларидан норози.

— Имтиёзли кредит бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ёрдам берадиган бўлди, ҳокимият томонидан гаров кафолатланадиган бўлди, бундан хурсандман — деди Жасурбек Байзоқов.

Бу каби ижобий ҳал этилган масалаларни қўллаб келтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган тadbирлар шунчаки ҳисобот учун эмас, тadbиркорларни ўйлантираётган муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**ЗЕБО ҲАЙДАРОВА,  
Сирдарё давлат адлия  
бошқармаси масъул ходими**

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ ТУРИ БИР ЮЗ ОЛТМИШТАГА ЕТАДИ



ДАВЛАТ хизматлари Агентлиги Андижон вилоят бошқармасининг жорий йил 9 ойлик фаолияти яқунларига бағишланган матбуот анжуманида мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тўдан ислоҳ қилиш бўйича бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Хусусан, шаҳар ва туманларда ташкил этилган давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилнинг бошида жами ўттиз етти турдаги давлат хизматлари кўрсатилганлиги, хозирга келиб уларнинг сони бир юз ўттизга етгани, 2020 йилга келиб хизматлар сони бир юз олтимиштага етказиш режалаштирилаётганлиги қайд этилди.

— Айни пайтда шаҳар ва туман давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига бир юз ўттиз турга яқин давлат хизматлари кўрсатилмоқда. — дейди Давлат хизматлари Агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Жамшид Раҳмонов. — Жорий йилнинг 9 ойи давомида марказлар томонидан қарий 733 минг 268 та хизмат кўрсатилган. Эътиборли жиҳати, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 199 минг 40 тани ташкил этган. Таҳлиллар натижаси шунки кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш кўрсаткичи икки йилда 3,6 баробарга ортган.

Бошқарма ҳамда туман, шаҳар марказлари томонидан аҳолига янада қулайлик яратиш, чекка ҳудудларда яшаётган фуқароларнинг узогини яқин қилиш, қолаверса, хизматларнинг мақбул, қулай ва шаффоф усуллари жорий этиш мақсадида 11 минг 963 та сайёр хизмат кўрсатилди. Сайёр хизматлар кўрсатиш учун туман, шаҳар марказлари “Дамас” автомашиналари, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, махсус жиҳозланган “Isuzu” автобуси ажратилганлиги ҳам сайёр хизматлар кўрсатиш сифати ва қўламини оширишга ёрдам бермоқда.

Кўрсатилмаётган давлат хизматлари қаторига йилдан-йилга янги хизмат турлари қўшилиб бораётгани ҳам ортиқча овозгарчиликларни бартараф этиш билан бирга, аҳолига янада кенг қулайликлар яратмоқда. Мисол учун, жорий йил давомида хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, ерости сувларига қудуқ ўрнатиш учун бурғулаш ишларини амалга ошириш бўйича руҳсатнома бериш сингари 17 та янги хизмат тури қўшилди. Бундан ташқари, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёздир, туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажрალიш ва ўлим ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматлар экстерриториал тарзда кўрсатилмоқда. Ўрни, фуқаро мазкур ҳужжатларни мамлакатимизнинг исталган жойида туриб, исталган бошқа ҳудуддан олиш имкони яратилди.

Амалга оширилган ишларга қарамай, давлат орگانлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида баъзи қўнубузилиш ҳолатлари йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланганлиги билдирилди.

Жумладан, ўтган давр мобайнида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида жами 8 минг 861 та қўнубузилиш ҳолати аниқланган. Қўнубузилиш ҳолатларининг 564 таси ҳокимликлар, 108 таси ички ишлар идоралари, 914 таси қурилиш, 761 таси солиқ, 3 минг 492 таси Ер ресурслари ва давлат кадастри, 217 таси Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари, 30 таси ижтимоий таъминот идоралари, 26 таси таълим муассасалари, 4 таси солиқни сақлаш муассасалари, 441 таси “Ўзтрансгаз” тизими корхоналари, 1399 таси “Ўзбекэнерго” тизими корхоналари, 224 таси бошқа коммунал хизмат кўрсатувчи идоралар ва 502 таси бошқа идоралар ҳисобига тўғри келади. Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли мутасаддиларга 26 та тақдимнома киритилган. 146 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган. 1 нафар ходим эса эггаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Анжуманда давлат хизматлари марказлари фаолияти аҳолининг вақтини тежаш, ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олиш, энг муҳими, коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи ҳолатларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётгани эътироф этилди.

**УМИДЖОН МАМАРАСУЛОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги Андижон вилоят  
бошқармаси етакчи маслаҳатчиси**



Акс-садо

## ФАРЗАНДНИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН!

Шу ўринда ўтган 2018 йилда катта шов-шув ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлган Марғилон шаҳар “Меҳрибонлик уйи”да юз берган аянчли воқеалар, жиноятларни эсга олайлик. Мазкур муассасадаги ҳар қандай киши нафратини кўзгатувчи хатти-ҳаракатлар асосан “Меҳрибонлик уйи” директори Комил Янгибоев (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) нинг хотини, тарбиячи Ҳуснида Янгибоева, тарбиячи ва энагалар Нафиса Тожиева, Ҳафиза Боратова ҳамда Дипшода Жумаевалар томонидан содир этилган. Улар муассасада тарбияланаётган, вояга етмаган, ожиз аҳволдаги, яъни 3-7 ёшли болаларни муттасил равишда уриб-дўппослаб, шафқатсиз муомала қилиб, шаъни ва қадр-қимматини камситиб ҳамда бошқа гайриқонуний ҳаракатлар билан қийнаб келишган. Ахир, бундай аянчли ишга кимсан директорнинг рафиқаси аралашиб тургандан кейин бошқа ходимлар албатта ундан “далда” олган-да. Тарбиячи Фурақат Абдуманнонов ҳам худди ҳамкасблари сингари вояга етмаган Даврон Урмонов, Темур Лазизов, Зариф Қозоқов ва бошқа тарбияланувчиларни уриб-дўппослаб, уларга шафқатсиз муомала қилиш, камситиш ва бошқа ҳаракатлар билан қийнашни одат қилиб олган. Қолаверса, бу ҳолат фельдшер Бахтиёр Қўлдошевнинг ҳам тарбия “усули”га айланганига нима дейсиз? Энг муҳими, муассаса “шахзодаси” — директорнинг бошланғич синфда ўқийдиган ўғли ҳам онасига қўшилиб, укаси тенги болаларни “тарбиялагани”ни қандай тушуниш мумкин? Ушунда суд-тиббий экспертиза ҳулосалари тарбияланувчиларнинг баданларида қаттиқ, ўтмас жисмлар таъсирида, турли мuddатларда етказилган тан жароҳатларини борлигини тасдиқлаганди. Ана энди болажонларнинг, айниқса 3-4 ёшли кичкинтойларнинг ўша пайтдаги аҳолини, уларнинг беғубор ва пок қалби қанчалар қилчарчип бўлганини, бо-яқилларнинг кўзидан қанчалар ўзинч ёшлари оқанини тасаввур қилиб кўраверинг! Ахир, ота-она меҳридан маҳрум бўлгани боис, уларнинг қалби ўқисқ эди-ку.

Ёки Олтиариқ туманидаги 6-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси, 5 ёшли Сарвиноз Фанижонованин кузатувсиз қолгани тўғрисида Кўштепа туманида яшаган фуқаро Анвар Абдурозиков томонидан ўғирлаб кетилгани, сўнг эса қизанинг мурдаси “Тошкент-Марғилон-Андижон” темир йўли ёқасидан топилганини олайлик. Бу воқеа ҳам миллионлаб юртдошларимизнинг нафрати ва баҳс-мунозараларига сабаб бўлганди. Тергов ва суд жараёнида аён бўлишича, 2018 йил 5 февраль куни 6-сонли мактабгача таълим муассасаси ходими Гулзода Тураева ўз фарзандлари Шахзод Фанижонов ва Ҳилола Фанижонова ҳамда овозининг қизи Сарвиноз Фанижоновани боғдандан уйга жўнатиб юборган. Кичкинтойлар йўлда кетишганда эса А.Абдурозиков Сарвинозни велосипедига миндириб олиб кетган. Кейин шом қоронғисида қизалоқни темир

йўл бўйида қолди-ўз уйига қай-Оқибатда, қи-қўрқиб, темир Бироқ унинг йиғисини ҳеч ким эшитмаган. Эртаси куни эса ички ишлар бўлими тезкор ходимлари ўша ердан С.Фанижонованинг мурдасини топишган. Негаки, йиғлай-йиғлай ҳолдан тойган Сарвинозни соат 22:30 ларда Йўқон-Марғилон йўналишида ҳаракатланиб келаётган йўловчи поезд уриб кетган.

Албатта, А.Абдурозиков суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди. Лекин қаровсиз ва эътиборсиз қолдирилиши оқибатида гулдек қизалоқ эрта нобуд бўлди. Суд жараёнида маълум бўлишича, Сарвинознинг ота-онаси Қаҳрамон ва Дилбархон қизларини онасига Мағфират Фанижонованига қолдириб, ишлаш учун Туркия давлатига кетишган экан. Фарзандининг аянчли ўлимидан хабар топган, эр-хотин дарҳол етиб келишган. Келишган, оилада қиёмат жанжал кўтарилган. Қаҳрамон ва Дилбархон яқинлари билан юз кўрмас даражага боришган. Сарвинознинг маърака-маросимларини ўтказган эса яна Туркияга қайтиб кетишган. Энди ўзини эълан: ҳўш, бу ўринда ким айбдор? Аввало ҳамма айб ишлайман, пул топаман, деб фарзандини бемехр қолдирган ота-онанинг ўзиди. Улар миллионлаб пул топиб, ўзларининг моддий эҳтиёжларини қанчалик тўла-тўлиқ қондиришмасин, энди фарзанд доғдан халос бўла олишармиди?

Иўқ, албатта.

Дарҳақиқат, юқоридидаги мақолада Маруся Ҳосилова Бош қомусимизнинг 64-моддасига биноан ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликларини тўғри таъкидлаган. Бу барча ота-оналарнинг конституциявий мажбуриятидир. Аммо ҳамма ҳам бунки ҳис қилавермайди. Ахир, меҳр кўрсатган инсонгина меҳр кўради. Шундай экан, тилга олинган мудҳиш воқеалар барча юртдошларимизни, ота-оналарни, мураббийлар ва дахлдор масъул ходимларни ҳушёрликка ундайди, деган умиддамиз. Зеро, ҳеч биримизни фарзанд доғига гирифторм қилмасин, ҳеч кимни фарзанднинг уволи тутмасин.

**ХУРШИД СУЛТОНОВ,  
“Инсон ва қонун” муҳбири**

# “ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛ” ҲАМ ИСБОТГА ЎТАДИМИ?

Адлиядан яна бир янги лойиҳа

2020 йил 1 июлдан: НИЗОНИ МЕДИАЦИЯ ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТГАН ТАРАФЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мурокамаси порталига Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Низоларни судгача ҳал этишнинг самарали механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Лойиҳа билан айрим давлат бошқаруви органлари ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурдаги низоларни судгача ҳал қилиш апелляция кенгашларини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари, Ўзбекистон ҳакамлик судьялари палатасини ташкил этиш ва фаолият йўналишлари, ҳакамлик судлари фаолияти ва медиация институтини оммалаштириш назарда тутилган.

Хусусан, лойиҳага кўра, 2020 йил 1 июлдан низони медиация орқали ҳал этиш чораларини кўрган тарафларга қуйидаги имтиёзлар тақдим этилади:

- судларда иш юритиш жараёнида тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, тўланган давлат божи;
- биринчи инстанция судида 100 фоиз миқдорда;
- апелляция инстанцияси судида 75 фоиз миқдорда;
- кассация инстанцияси судида 50 фоиз миқдорда тегишли тарафга қайтарилди.

Шунингдек, лойиҳа билан 2020 йил 1 апрелдан ҳакамлик суди қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли судга мурожаат қилинганда белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорда давлат божи тўлаш тартибини ўрнатиш тақдир қилинмоқда.

Лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида давлат органлари тизимида низоларни судгача ҳал этиш механизми жорий этилади, ҳакамлик судлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона тузилманинг ташкил этилиши мамлакатда ушбу институтларнинг оммалашishiга ҳамда соҳада қонунийликни таъминлашга имкон беради.

Ҳакамлик судлари ва медиаторларнинг фаолият кўрсатиш доираси ҳамда ваколатларининг кенгайтирилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, судлардаги иш ҳажмини камайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

БУГУНГИ кунда жамиятнинг ҳар бир соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётганлиги сабабли электрон шаклдаги маълумот ва манбалар, дастурлардан кенг фойдаланиш оммалашмоқда. Шу билан бирга, жиноят-процесси соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга зарурат бўлаётганлиги сабабли жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланишда “электрон кўринишдаги маълумотлар”, “электрон далиллар”, “электрон ахборот ташувчи” ҳамда электрон кўринишдаги маълумотларнинг аҳамияти қандай? Қуйида шу ҳақда фикр юритамиз.

Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасига мувофиқ, ижтимоий ҳафвли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишнинг тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича “далил”, деб ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Кодексга кўра, далиллар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ашёвий далил сифатида жиноят қуроли, ўзида жиноят изларини сақлаб қолган нарсалар, жиний ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар, жиний ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиний йўл билан топилган маблағлар эвазига топилган мол-мулк, пуллар ва бошқа қимматликлар эътироф этилиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, “электрон кўринишдаги маълумотлар” ва уларнинг таснифи ҳамда мазкур турдаги маълумотларнинг жиноят процесси далиллар тизимидаги ўрнига тўхталиб ўтадиган бўлса, ахборот технологияларига оид адабиётларда қуйидагича ёритилган.

Хусусан, миллий қонунчилик ва назарияда электрон ҳужжат тушунчаси ва унинг таърифи оид қоидалар берилган бўлса-да, “электрон маълумот” ту-

**!**  
 Илмий манбаларда, электрон далилни фақат электрон ҳудудда мавжуд бўлган ва ахборот ташувчи мазмунига эга бўлган объект сифатида тушуниш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

шунчасига оид назария ёки қоидалар берилмаган.

Хорижий адабиётларда эса “электрон маълумот” тушунчасига қуйидагича тавсиф берилган бўлиб, яъни электрон маълумот бу электрон ҳисоблаш машинаси хотирасида белгиланган шаклда ва махсус шакллантирилган сунъий тил ёрдамида қайд этилган, яратилган ва тақдим этилган мавжуд ҳолатнинг образи. Шунга қарамастан, “электрон маълумот” тушунчаси “ахборот (маълумот)” тушунчасига қараганда кўпроқ аниқ бўлиб, буларнинг ҳаммаси ахборот алмашинувнинг мавҳум моделидир.

Ҳозирги кунда соҳага оид қонун ҳужжатларига мувофиқ “электрон маълумот” тушунчасининг мохияти аниқ бўлган “электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо”, “электрон хабар”, “электрон ахборот ташувчи” тушунчаларига яқин ҳолда фойдаланилади.

Ахборот-технологик ёндашувларга асосан “электрон маълумотлар” сифатида компьютер, мобил телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалардаги дастурий воситалар, электрон кўринишдаги хат ва ҳужжат ҳамда аудио ва видео файллари, интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳамда бошқа электрон иловаларни тушуниш мақсадга мувофиқ.

Бироқ жиноят-процессуал қонунчилигида “электрон маълумотлар”ни далил сифатида эътироф этилиши бўйича процессуал нормалар мавжуд эмас.

Маълумки, жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилишда, ҳақиқатни аниқлашда далиллар муҳим аҳамиятга эга.

Олий суд Пленумининг юқорида номи келтирилган қарори 9-бандида қонун билан тақиқланмаган маълумотлардан нусха кўчирилиб, мазкур маълумотлар эгаси ёки унинг вақилига берилгандан кейин йўқ қилинадиган “ахборот сақлаш воситалари” (телефон аппаратлари, хотира карталари) ашёвий далил сифатида кўрсатиб ўтилган.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар сақланувчи ахборот сақлаш воситалари (компьютер, телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалар) ни ашёвий далил сифатида, “электрон маълумотлар”ни эса “электрон (рақамли) далил” сифатида баён этиш мумкин.

Шу ўринда, “электрон далил” тушунчасига соҳага оид манбаларга асосланган ҳолда тўхталиб ўтадиган бўлса, дастурий таъминот хусусиятларига қараб электрон-техник қурилма ёки электрон маълумотларнинг бошқа турдаги ташувчиларида автоматлаштирилган ҳолда шакллантириладиган, у ерда мавжуд бўладиган ва сақланадиган, рақамли белгилар ёки сигналлар мажмуаси сифатидаги иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар электрон далиллар сифатида ҳисобланиши мумкин.

Илмий манбаларда, электрон далилни фақат электрон ҳудудда мавжуд бўлган ва ахборот ташувчи мазмунига эга бўлган объект сифатида тушуниш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги кундаги жиноят-процессуал амалиётда исбот қилиш бошқичининг далилларни тўплаш йўналишида “электрон маълумотлар” кўринишдаги далилларни тўплаш бўйича кўздан кечириш ва олиб қўйишдан ҳамда экспертиза тайинлаш тергов ҳаракатларидан ташқари муайян бир тергов ёки суд ҳаракатлари мавжуд эмас.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигида электрон далилларни қўлга киритиш усуллари ва уларни электрон далил, деб тан олиш ҳамда жиноят ишига қўшиш процессуал ҳаракатларини белгилувчи процессуал нормалар ишлаб чиқилмаган.

Жиноят-процессуал исбот қилишнинг далилларни тўплаш бошқичида электрон-техник қурилмалар, компьютер воситалари ва бошқа электрон маълумотлар ташувчиларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш орқали “электрон маълумотлар” кўринишдаги далилларни тўплаш мумкин.

Соҳага оид илмий манбаларда, “электрон маълумот”дан исботлаш жараёнида белги (рақамли) шаклида ифодаланган маълумотларни олиш мақсадида фойдалани-

лиши ҳақида илмий фикрлар илгари сурилган.

Бунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассис ёки эксперт иштирокида электрон-техник қурилмани ва бошқа электрон ахборот ташувчи воситаларни аниқланган жойида электрон ахборотни сақлаш ва олишнинг самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда кўздан кечирилади.

Шунингдек, қўлланилган электрон маълумотларни кўздан кечириш вақтида масофадан туриб, электрон-техник қурилма, компьютер тармоқлари ёки электрон маълумотларнинг бошқа ташувчиларидан фойдаланган ҳолда электрон далил сифатида қўлга киритилиши мумкин.


**Хулоса ўрнида, юқорида қайд этилганларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:**

■ жиноят-процессуал қонунчилигида “электрон далил” тушунчасининг процессуал ҳуқуқий тавсифини ҳамда уни далилларнинг бир тури сифатида белгилаш;


■ жиноят-процессининг исботлаш бошқичида “электрон далил”ларни тўплаш, текшириш ва уларни жиноят ишига қўшиш бўйича процессуал расмийлаштиришнинг тартибини белгилувчи процессуал нормалар ишлаб чиқиш;

■ терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар томонидан жиноят иши доирасида “электрон далил”ларни тўплашда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари бўйича тузиладиган ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган “электрон баённома”ни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Азизжон ХУЖАНАЗАРОВ,  
 Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика кафедраси ўқитувчиси



## Ўқитувчилар нега НОРОЗИ БЎЛИШДИ?



УЧТЕПА туман адлия бўлимига бир неча мактаб ўқитувчилари мурожаат қилиб, ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари ошган бўлса-да, иш ҳақи учун қайта ҳисоб-китоб қилинмаганлигини норози эканликларини билдиришди.

Мазкур ҳолат ўрганилиб, таҳлил қилинганда, Учтепа туманидаги айрим умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан, ошган миқдорларда ҳақ тўланмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелда тасдиқланган "Ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қўшма қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилган), ўқитувчиларга ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаши 2018 йил 1 ноябрдан ошган миқдорларда амалга оширилиши лозим.

Шунга кўра, Учтепа туман адлия бўлими томонидан кўрилган чораларга асосан, 32 та умумтаълим мактабларидаги юздан ортиқ ўқитувчиларнинг ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, уларга қўшимча жами 57 миллион сўм тўлаб берилди.

Отабек НЕГМАТОВ,  
Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи

## Молия бошқармаси МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ТўЛАДИ



ҳар иккисига  
**20** миллион  
сўмдан жами  
**40** миллион  
сўм

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Аммо баъзи идоралар бу нормаларга ҳамisha ҳам риоя этавермайди.

Термиз туман адлия бўлимига тумандаги "Гулистон" маҳалласида яшовчи фуқаро Комил Хўшбоқов ва Термиз туман "Солиобод" маҳалласида яшовчи фуқаро Алишер Каримовлар мурожаат қилишди. Уларнинг айтишича, суднинг ҳал қилув қарорига асосан, ҳар иккисига 20 миллион сўмдан жами 40 миллион сўм миқдориди маънавий зарар Сурхондарё вилоят молия бошқармаси орқали бюджетдан ундириш белгиланган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар ушбу маънавий зарар маблағлари тўлаб берилмаган.

Ўрганиш натижаларига кўра, бу фуқароларнинг норозилиги асосли эканлиги ўз тасдиғини топди.

Термиз туман адлия бўлими томонидан туман Молия бўлимига фуқаролар К.Хўшбоқов ва А.Каримовларга етказилган маънавий зарарни тўлаб бериш тўғрисида тақдимнома киритилди ва уларга 40 миллион сўм миқдориди маънавий зарар тўлаб берилди.

Ф.РУСТАМОВ,  
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси  
бўлим бошлиғи

## Онаси бедарак кетган ҚИЗАЛОҚҚА ВАСИЙ ТАЙИНЛАНДИ

БўЗ туман адлия бўлимига фуқаро А.Али-назарова мурожаат қилди. У набираси Маржонабонуни ўз қарамоғига олиш масаласида яшаш ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинига ҳамда тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган. Аммо васийликка олиш масаласида ҳеч бир идора унга қонуний йўл-йўриқ кўрсатмаган.

Бўлим томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш мобайнида аниқландики, мурожаат муаллифининг фарзанди Фотимахон Алиназарова ҳамда унинг турмуш ўртоғи Мирзохид Арзиев 2011 йил 11 апрелда Маржонабону исми фарзанд кўришган. Бироқ ҳозирда улар бир оилада яшамайди.

Бўз туман Гузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қ.Эргашевнинг таъкидлашича, Фотимахон Алиназарова мазкур маҳаллада истиқомат қилган ҳамда 2012 йилда Грузия давлатига ишлаш учун кетиб, ҳозирга қадар қайтиб келмаган ва бедарак кетган. У оила аъзолари билан, жумладан, мурожаат муаллифи, яъни онаси А.Али-назарова билан ҳам хабарлашмаган. Маржонабону Мирзоолимовани эса 2012 йилдан ҳозирга қадар А.Алиназарова тарбия қилапти. У жорий йилнинг апрель ойида М.Мирзоолимовани васийликка олиш борасида маҳалла фуқаролар йиғинига оғзаки мурожаат этган.


Буни Маржонабону таълим олаётган мактаб директори Ю.Азимова ҳам тасдиқлади.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, адлия бўлими томонидан тумандаги васийлик ва ҳомийлик органига кўрсатма хати чиқарилди.

Натижада туман халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органининг "Вояга етмаган 2011 йил 11 апрелда туғилган Мирзоолимова Маржонабону Мирзохид қизига васий тайинлаш ҳақидаги"ги тавсияномаси тасдиқланиб, мурожаат муаллифи А.Алиназаровани васий этиб белгилаш тўғрисида Бўз туман ҳокимининг қарори қабул қилинди.

А.ДАДАБОВ,  
Бўз туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## "МЕЦЕНАТЛИК ТўҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН НИМА ҲАҚИДА?



солиш мақсадида қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ, меценатлик маданият ва санъат, илм-фан, таълим, маърифат ҳамда ушбу соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолиятидир.

Қонунга кўра меценатлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадларида амалга оширилиб, жисмоний ва юридик шахслар меценатлик фаолиятини ихтиёрийлик асосида юритади.

Меценатлик фаолияти меценат ва меценатлик кўмагини олувчи ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартнома меценатлик кўмагини беришнинг мақсадлари, шакли, шартлари, муддатлари ҳамда ҳажмини, шартномавий мажбу-

риятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини, тарафларнинг реквизицларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек, бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Меценат эса илм-фан ва санъат соҳасини ривожлантириш учун бегараз ва кўнгилли тарзда моддий ёрдам ажратадиган шахс ҳисобланади.

Шунингдек, Қонунда давлат меценатларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда тарифлар бўйича имтиёз ва преференциялар бериш орқали ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш кўрсатилган.

Унутмаслик керак, меценатлик кўмаги давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Муроджон ҲАМИЯТОВ,  
Навоий юридик коллежи  
ўқувчиси

## БИЗНЕСДА ҲАРБИЙЛАРГА ИМТИЁЗ БОР



— ҲАРБИЙ хизматчиларга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имтиёз берилди, деб эшитдим. Шу ростми?

З.АЗИЗОВ,  
Хатирчи тумани

— Мудофаа вазирлигининг контракт бўйича ҳарбий хизматчиларига бериладиган имтиёзлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини, шу жумладан, уларга имтиёзли истеъмол кредитлари, турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш йўли билан янада тақомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тегишли банк ва мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, камида олти ой хизмат қилган муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари орасида тадбиркорлик фаолияти учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва кредитлар бериш тартибини тушунтириш бўйича семинарлар, дavra суҳбатлари, конференциялар ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг энг ўрнат қўрсатган ҳарбий хизматчиларига тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитларни расмийлаштиришга тегишли сертификатлар бериш; кредит муддати — уч ойлик имтиёзли давлат бериш 10 йил; дастлабки бадал — сотиб олинadиган автотранспорт воситаси қийматининг 15 фоизи; фоиз ставкаси — кредит берилган санада йилга 7 фоиз ҳисобланиши белгиланганлиги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Саволга Хатирчи туман адлия бўлими бошлиғи  
Шерзод АБДУРАҲМОНОВ жавоб берди.

Юртимизда ҳам бундай ишлар йўлга қўйилган бўлиб, 20 моддадан иборат бўлган мазкур қонун ушбу муносабатларни тартибга

# ҚУЁШ... ШАМОЛ... БИОМАССА...

## Муқобил энергия қаерда?

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ** ташаббуси билан мамлакатимизда замонавий ва хорижий андазаларга мос қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига алоҳида эътибор берилаяпти.

Бизга маълумки, халқаро миқёсда Германия, Хитой, Беларусь, Украина, қўшни давлатлар Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни тарихий ва ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур Қонуннинг мақсади қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг биринчи бобида локал тармоқ, микро ва кичик гидроэлектростанциялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, ундан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларга катта эътибор берилган.

Аҳамиятли томони шундаки, илк мартаба қабул қилинган мазкур Қонуннинг 5-боби "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат ҳисоби, электр энергиясининг тарифлари"га бағишланиб, унда қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисоби, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган энергиянинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг давлат ҳисоби ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига доир тарифлар моҳияти ва мазмуни кенгроқ очиб берилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда қабул қилинган ушбу Қонун анча вақтдан буюн кутиб келинаётган эди ва унга кўра, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларига қуйидаги имтиёз ва преференциялар берилди:

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш ускуналари бўйича мол-мулк солиғи, ушбу ускуналар ўр-

натилган участкалар бўйича ер солиғи, улар ишлаб чиқараётган энергия 10 йил муддатга;

"Ўзбекгидроэнерго" компанияси таркибдаги корхоналар сотаётган энергия қисмида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Ускуналар ишлаб чиқарувчиси давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 5 йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинади.

Қайта тикланувчи манбалардан



электр энергияси ишлаб чиқарувчилари блок-станция шартлари билан ягона электр энергияси тизимлари тармоқларига улана олади. Ушбу манбалардан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларига эса ҳудудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига уланиш тақиқланади.

Энг асосийси, қайта тикланувчи энергия манбалари атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергиясидир. Соҳада қурилмаларни ишлаб чиқариш, шунингдек, илмий-техникавий ҳамда инновацион жиҳатдан таъминлаш давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан Фанлар академияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар қуйидагилардан озод этилади:

■ қурилмаларни (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортқ бўлган) ўрнатганлик учун ўн йил муддатга мол-мулк солиғини тўлашдан ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан;

■ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларидан.

Амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидан, ер солиғидан озод этилади.

Қайд этиш керак, қайта тикланадиган энергия манбаларидан ва қайта тикланадиган энергия қурилмаларидан олинган энергия сертификатлаш асосида амалга оширилади. Энергия ва қурилмалардан шахсий эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилганда бу тартиб истисно этилади. Қабул қилинган қонун соҳада аҳоли ва жамоатчиликнинг тутган ўрнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.


Хусусан, Қонун Энергия вазирлиги томонидан тақдим этиладиган қайта тикланадиган энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солувчи механизм нафақат иқтисодиёт тармоқларида, балки маиший соҳада ҳам фақат энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни назарда тутди.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг иштирокига ҳам алоҳида ва катта аҳамият берилган. Яъни, улар ушбу соҳадаги ҳукумат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этишлари ҳамда тегишли жамоатчилик назоратини амалга оширишлари мумкин.

**Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,**  
Тошкент давлат юридичи университети "Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор

# ИШ ВАҚТИНГИЗ ҚАНЧА?

Сиз қанча вақт ишлайсиз?



ҲОЗИРДА бир қатор маҳаллий ва хориж оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда давлат хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқларига, шу жумладан, иш вақтининг қонунда белгиланган нормал муддатига амал қилинмаётганлиги, турли мажлисбозликлар туфайли ходимларнинг меҳнат унумдорлигига путур етаетганлиги, натижада, уларнинг ўз фарзандлари ва оиласига етарлича вақт ажрата олмаётганлиги каби ҳолатлар юзасидан кўплаб мақола ва постлар эълон қилинаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз.

Шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш, мамлакатдаги кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини такомиллаштириш борасида аниқ чоралар қурилаётганлиги ҳам ҳақиқат.

Хусусан, Президентимиз томонидан жорий йил 3 октябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз кадрлар сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни белгилаб берди. Фармонда кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимида мавжуд тўртта асосий камчилик санаб ўтилди. Булар:

1 давлат фуқаролик хизматидаги номзодларни очик мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун мавжуд эмаслиги;

БУ ҲАҚДА ҚОНУНЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

2 давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг йўқлиги, бунинг ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда вакант лавозимларнинг ўз вақтида эгалланишига йўл қўйилмаётганлиги;

3 барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ва профессионал сифатлар асосида мансаб погоналаридан кўтарилиб боришини таъминловчи номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари шакллантирилмаганлиги;

4 давлат фуқаролик хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чоралари жорий этилмаганлиги ҳисобланади.

Фармонда илк бора давлат фуқаролик хизматчиси ким эканлиги тўғрисида аниқ таъриф келтирилди. Унга кўра, ўз фаолиятини давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланади.

Иш ҳақини белгилашга нисбатан унификациялаштирилган талаблар ўрнатилишини назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатидаги ҳақ тўлашнинг ягона тизимини жорий этиш давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Давлат фуқаролик хизматчиларининг иш бевуқлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш мазкур Агентлиқнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Эътиборли томони, Фармоннинг 11-бандида барча даражалардаги давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш ҳолатларига, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини обрўсизлантирадиган бошқа ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги тўғрисида қатъий оғохлантирилган.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига бу борадаги талабларга сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш ва ушбу талабларнинг бузилишига йўл қўядиган давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўриш бўйича тақлифлар киритиш топширилган. Ушбу нормалар давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнат ҳуқуқларига амал қилинишининг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати-

ни ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Дастурда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш орқали Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматининг асосий тушунчалари, регламентлари ва кафолатларини қонун билан мустаҳкамлаш вазифаси ҳамда уни бажариш муддати аниқ кўрсатилган. Мазкур қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамловчи бир қатор нормалар белгиланиши режалаштирилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш кўп жиҳатдан раҳбар ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига вобосита боғлиқ ҳисобланади. Кўп ҳолларда ходимлар томонидан ўз ҳуқуқларининг талаб қилинмаслиги оқибатида сўзимиз дебосида келтирилган ҳолатлар юзага келади. Ҳар икки томон — иш бевуқчи ва ходимнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлмас экан, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадларга эришиш қийин бўлади.

**Маълумот учун:** Меҳнат кодексининг 115-моддасига кўра, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишининг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортқ келтмаслиги лозим.

Давлат хизматчиларининг иш самардорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларнинг белгиланиши улар фаолиятининг иш жойида қанча вақт ўтирилганлиги ёки мажлисларда иштирок этган-этмаганлигига қараб эмас, балки бажарилган ишларнинг самараси ва натижасига кўра одилона ва объектив асосларда баҳолалишига замин ҳозирлайди.

**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

**ЖОМБОЙ** Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилидаги иқлими нисбатан муътадил, богдорчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардан бири. Дайровотдаги фермер хўжаликлари сабзавот экинлари етиштиради. Ғубдун тоғи этакларида эса кўпроқ галла ва дуккакли экинлар етиштирилади. Тумanning иқтисодий юксалишида "SAMJINTEX", "Жомбой ваҳожи", "Керамика брик" кўшма корхоналари ҳамда "Жомбой дон" сингари маҳаллий корхоналарнинг салмоқли улуши бор. Ун ва пахта толасидан тайёрланган маҳсулотлар бугун хорижга экспорт қилинмоқда. Туман марказидан темир йўл ўтган. Саноати жадал ривожланган бу тармоқнинг ҳам воҳа иқтисодида ўзига хос ўрни бор. Негаки темир излардан келаётган товар ва бошқа юклар атрофдаги туманларга Жомбойдан тарқатилади.

# ЖОМБОЙНИНГ ТУПРОФИ ОЛТИН ЧЎП ҚАДАСАНГ ҲАМ УНИБ ЧИҚАДИ



Ҳозирда киритилган инвестициялар ҳажми **279,3** миллиард сўмни ташкил этапти. Жумладан, Ўзбекистонда ягона **5 МИЛЛИОН** АҚШ доллари миқдорига сармога асосида "Керамик брик" кўшма корхонасида керамик блоklar ва керамик плиткалар ишлаб чиқарадиган завод тўлиқ қувват билан ишламоқда.

Бугун тумanning инфраструктураси анча ривожланган. Шунингдек, кластер усулида ўнлаб иссиқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Туманда ислохотларнинг қамрови кенгайиб, туман аҳолисига бир қанча қулайликлар яратилмоқда.

Жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 14 та лойиҳа ҳисобидан 17,7 АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача қарийб 120 миллион АҚШ доллари атрофида инвестициялар ўзлаштирилди. Жумладан, шу йилнинг август ойида "Artwen Prote" кўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Масалан, "Маҳмуд Самарқандий 2019" масъулияти чекланган жамияти 42 гектар ер ажратилиб, бу ерда замонавий янги технологиялар асосида иш ташкил этилган. Ушбу комплекс таркибида музлаткич, омборхона ва маҳсулотларни консерваловчи иншоотлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳа қиймати 304,2 миллиард сўмни ташкил этади. 2020 йилда Россия,

## Ҳамза ТҮЙЧИЕВ, Жомбой туман ҳокими:

— Туманимиз ишлаб чиқариш ва маҳсулотни қайта ишлаш технологияларидан кенг фойдаланса бўладиган ҳудуд. Иқтисодиёт ва бошқа ижтимоий соҳаларда ёш кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораёпти. Улар бугун ривожланиш, тараққиёт, ахборот-технологиялари ва бошқарувчилик салоҳиятидан яхши хабардор. Шу сабаб Юртбошимизнинг топшириғига биноан Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов сайёҳаракати билан билимли, ишнинг кўзини биладиган ёшлар жалб этилган. Маҳалла фаоллари, илгор зиёлилар, оқсоқоллар билан маслаҳатлашган ҳолда туманда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун чет эл инвестицияларини олиб кириб, бир қанча кўшма корхоналар ташкил этишга эришилди.

Шунингдек, маҳаллий инвестиция орқали минглаб янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 1 триллион 833,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 133 фоизга, чакана савдо товар айланмаси 285,8 миллиард сўм, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 109 фоизга оширилди. Ҳозирда киритилган инвестициялар ҳажми 279,3 миллиард сўмни ташкил этапти. Жумладан, Ўзбекистонда ягона "Керамик брик" кўшма корхонасида керамик блоklar ва керамик плиткалар ишлаб чиқарадиган завод 5 миллион АҚШ доллари миқдорига сармога асосида тўлиқ қувват билан ишламоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган "Жомбой мева-сабзавот" МЧЖ ихтиёрига 250 гектар лалми ер берилган бўлиб, интенсив болларда етиштирилган мева-сабзавотлар қайта ишланиб, шарбатлар тайёрланмоқда ва ушбу маҳсулот хориж давлатларига экспорт қилинмоқда. Ушбу корхонанинг ютуқларидан яна бири, бу ерда мева кўчатлари плантация қилиниб, йилига 2 миллион АҚШ доллари миқдорига экспорт қилинмоқда.

Туркия ва Венгрия давлатларидан 10 миллион АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилиш режалаштирилган. Мухими, бу корхонада 500 мингта яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, "Марақанд мева-сабзавот" МЧЖ логистика маркази шу йилнинг охиригача ишга тушиб, корхона 20 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаб, дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилади. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 209 миллиард сўмни ташкил этади. Туманда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли орқали жорий йилда яна 23,9 миллион сўм миқдорига инвестициялар жалб этилиб, 12 та хорижий лойиҳа амалга оширилди. Яқинда Ҳиндистоннинг "Ражкот Чапа" компанияси билан ҳамкорликда автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш бўйича меморандум имзоланди. Жорий йилнинг ўтган даврида туман корхоналари томонидан Хитой, Испания, Вьетнам, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия, Эрон давлатларига 62,2 минг АҚШ доллари миқдорига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

экспорт қилинди.

— Туманимиз фидойи меҳнат қаҳрамонлари, богбону соҳибкорлар билан тилга тушган, — дейди меҳнат фахриysi, "Эл юрт хурмати" ордени соҳибы Барат Нодиров. — Жомбойнинг тупроғи олтин, ерга чўп қадасанг униб чиқади. Агар кейинги йилларда бунёдкорлик, қурилиш ишларига назар ташлайдиган бўлсак, Жомбойнинг кўрки тубдан ўзгариб, бекис ёрро очаётганини кўриб, қалбим қувончга тўлади. Ҳозирда 2020-2021 йилларга мўлжалланган 3 та лойиҳа тақлифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, умумий қиймати қарийб 123 миллиард сўмлик жами хорижий инвестициянинг миқдори 700 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, 2020 йилнинг охирига қадар лойиҳа қиймати 50,3 миллиард сўм бўлган компрессор аккумулятор блоklари ишлаб чиқарадиган "Шиллер Восток" МЧЖ, чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган "Жомбой обод", ПВХ профилида ясалган эшик ва ромлар учун аксессуарлар ва фронтлар ишлаб чиқарадиган "Артфен Профел" корхоналари ишга тушиши мўлжалланаёпти. Ушбу 3 та лойиҳа ишга тушган, туманда йиллик ишлаб чиқариш режаси қарийб 133 миллиард сўм бўлган импорт маҳсулотлари ўрни босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, қарийб 3 миллион АҚШ доллари миқдорига экспортга чиқарилади. Туманимизда "Обод қишлоқ" Давлат дастури доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Эски Жомбой катта қишлоқларидан ҳам бир қатор ободончилик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари қилинди. Бир қатор янги йўл-жойлар қурилди. Коммуникация тизимида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бугун мана шу ишлардан бутун халқ миннатдор.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири

**АНДИЖОН** туманида яшовчи фуқаро Рустамжон Юсупов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қабулхонасига электрон мурожаат йўллайди. У "Everest metal favorite" МЧЖ "Ўзтрансгаз" АЖнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида кўп миқдорда моддий зарар кўраётганлигини маълум қилган. Андижон туман адлия бўлими томонидан маъмур муаммо ўрганилди.

## ГАЗ ТАЪМИНОТИДАН КЎРИЛГАН КАТТА ЗАРАР

Адлия бўлими МЧЖга етказиб берилаётган табиий газ учун Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 майдаги №452-сонли қарори талаблари асосида қайта ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда жамиятга етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланишини талаб қилди. Ҳозирда тадбиркорлик субъекти "Everest metal favorite" МЧЖнинг манфаатини кўзлаб, Андижон туманлараро иқтисодий судига 382 048 420 сўмлик орқатча тўланган тўловни зарар сифатида ундириш тўғрисида даъво ариза киритилди.

**Умиджон ҲАКИМОВ,**  
Андижон вилоят адлия бошқармаси маъсул ходими

## ЭЪЛОНЛАР

Қишлоқлар вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 7 ноябрдаги буйруғи асосан адвокат Шарипов Анавар Турсунмуҳаммадовичга бошқарма томонидан 2018 йил 26 декабрда берилган КС 000155-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик маҳрами тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 23 октябрдаги 55-А-сонли буйруғига асосан "DALOON" адвокатлик бюроси адвокати Адилжан Алпаназаровага 2019 йил 16 январда берилган ГЗ 000098 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда 2019 йил 16 январда берилган 089-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг аризасига кўра тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 31 октябрдаги 56-А-сонли буйруғига асосан "DALOON" адвокатлик бюроси тугатилди. 2019 йил 31 октябрдаги 56-А-сонли буйруғига асосан "DALOON" адвокатлик фирмаси адвокати Исмаилов Абдулқуроб Мамайтурсунмуҳаммадовичга 2019 йил 7 январда берилган ГЗ 000081-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ҳамда 2019 йил 7 январда берилган 074-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг аризасига кўра тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 5 ноябрдаги 57-А-сонли буйруғига асосан "YURIST" адвокатлик фирмаси адвокати Исмаилов Абдулқуроб Мамайтурсунмуҳаммадовичга 2019 йил 7 январда берилган ГЗ 000081-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ҳамда 2019 йил 7 январда берилган 074-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг аризасига кўра тугатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 9 ноябрда 47-рестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўзгаришдан ўчқудуқ туман "ART-MIR" адвокатлик бюроси бошқармасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 200-ум-сонли буйруғига асосан ихтиёрий тугатилди.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўзгариш маркази томонидан 04.08.2015 йилда 005766-07 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "BAROCCO KLASS MEBEL" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 303 410 138) таъсисчисининг 2019 йил 19 ноябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (94) 491-22-22.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 04.08.2018 йилда 506681 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "SUNPREMISE" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 305 458 540) таъсисчисининг 2019 йил 22 ноябрдаги 1-сон йилгилик қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (99) 303-36-66.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 08.11.2017 йилда 751675 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "MASTER-PREMIUM" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 306 839 541) таъсисчисининг 2019 йил 20 ноябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (04) 639-78-90.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 08.11.2017 йилда 552807 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "YESCHINA" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 305 128 089) таъсисчисининг 2019 йил 20 ноябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 931-77-00.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 07.11.2018 йилда 648382 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "UTI INVEST-TRADE" масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 305 843 560) таъсисчисининг 2019 йил 21 ноябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди. Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 349-03-03.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ҳуқуқга малака комиссиясининг 2019 йил 26 октябрдаги 15-сонли қарори асосида адлия бошқармасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 304-ум-сон буйруғига асосан "Цилов Заурбайтов" адвокатлик бюроси адвокати Уринова Зайнабхон Тождиддиновичнинг адвокатлик маҳрами тиланди.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоис келишилган нархда

1 2 3 4 5

## ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjus.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



## Бош муҳаррир

Қўчқор

НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич

Рабиев Шерзод Миржалилович

Тожиев Фурудат Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайд.

Навбатчи  
Мадина Ҳамдамова

Саҳифаловчи-  
дизайнер

Жасур Тожибоев

## Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терида ва саҳифаланди. А-3 Бичижда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 9514

Буортма — V-3926

Тошпириш вақти — 19:00

Тошпиришда — 20:00

# СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИ:

## номзодларни тайёрлашда янги ча ёндашув талаб этилди

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 6 январдаги "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.**

Мазкур Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизда Судьялар олий мактаби ташкил этилиб, унга судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилди.



Бунга қадар судьяликка номзодларни тайёрлаш ва судьяларни қайта тайёрлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида амалга ошириб келинган. 3 ойлик ўқиш даврида судьяликка номзодлар ўқитилган. Бироқ мазкур таълим дастури кўзланган натижани бермай, номзодларни судьяликка тайёрлаш учун мажбурий босиб ўтиладиган бир босқичга, шартга айланиб қолган эди.

Ушбу Қарор билан судьяликка номзод саналган шахсларнинг ҳам касбий ва ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди. Жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланган квоталар бўйича амалга оширилади;

- судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади;
- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимдан озод қилинади, бироқ уларнинг эгналган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади;
- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди микдоридан стипендия тўланади;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгналган турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Ўтган икки ой мобайнида мактабдаги ўқиш сифати, тасдиқланган таълим дастурлари, берилаётган касбий кўникмалар шуни кўрсатмоқдаки, бу тизим самарали ва янги даражадаги, мустақил, адолатли, ҳолис ва бегараз, юқори касбий кўникмаларга ҳамда бениқсон маънавий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантиришга замин яратди.

**Нуриддин ТОЖИБОВ,**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

**Президентимизнинг мазкур Қарори билан 2019 йил 10 январдан бошлаб қуйидагича тартиб жорий этилди:**

- судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгналлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгналлашга, шунингдек, иш ва бошқарушни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгналлаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;
- қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қўбилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.

## "Коврак" ПОРА ЭВАЗИГА униб ўсгиси келмади



Рустам Собиров Деҳқонобод туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келган. Аммо у мансаб ваколатидан фойдаланиб, аввалдан таниш бўлган "Агробанк" АТБ Деҳқонобод филиали "Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими" бош бухгалтери Мансур Нурмуродовдан "мумай даромадли иш" борлигини эшитиб, ҳаловатини йўқотди. Ҳаёлида режалар тузиб, қандай бўлмасин ўша "иш" ботишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

"Шердор фэйз комфорт" хусусий корхонаси раҳбари Л.Ваҳобовга Деҳқонобод тумани ҳудудидан "Коврак" ўсимлигини етиштириш учун 120 гектар ер ажратиб берилишини эшитган шериклар Л.Ваҳобовга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, туман ҳокимининг қарорини

**ЭНДИГИНА 35 ёшни қаршилаган нишонлик Рустам Собиров (исм-шарифлар ўзгаририлган) 4 нафар фарзанднинг отаси. Маълумоти ҳам олий. Ўз соҳасининг етук мутахассиси. У шундай бўлишига қарамасдан, нафси ҳақалак отиб, кингир ишга қўл ўрди.**

чиқартириш учун мансабдор шахсларга 6000 АҚШ доллари микдоридан пора бериши кераклигини айтишди.

Шундан сўнг гапни бир жойга қўйган шериклар Л.Ваҳобовни Деҳқонобод туман Галя кишлоғи ҳудудидан 120 гектар ер ажратиб беришлари учун 6000 АҚШ доллари беришга кўндиришга келишиб олишди. 2018 йил 23 ноябрда Мансур Рустамга кўнгирак қилиб Л.Ваҳобов 6000 АҚШ доллари беришга рози бўлганлигини, Тошкент шахрига бораётганлигини айтади. Эртаси куни тушдан кейин у пулни олган ёки олмаганлигини сўрамоқчи бўлиб Рустамга кўнгирак қилганида, у кўнгироқларига жавоб бермайди. Кечки пайт Рустам пулни олганлигини, бирор-бир йўловчи таксидан бериб юбормоқчи эканлигини айтганида, у Мансурга пул ўзида туришини, "эртага ўзим айтаман", деган жавобни эшитди. 2018 йил 25 ноябрь куни тушликка яқин Мансур билан кўнгироқлашиб, Қарши шахрига келган-келмаганлигини билади.

Шундан сўнг улар 2018 йил 25 ноябрь куни соат 16:10 ларда Қарши шахридаги "Дунё" кафесидан учрашишга келишиб олишди.

Ўрталаридан қил ўтмайдиган шериклар "Дунё" кафесидан 6000 АҚШ долларини олди-берди қилаётган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олиниб, кўзларига дунё қоронғу бўлиб қолади.

Хуллас, осон пул топиш илминда фирибгарлик жиноятини содир этган Р.Собиров ва М.Нурмуродовга амалдаги қонунларда белгиланган тартиб-қоидаларга қўра, суд ҳукми билан тегишли жазо чораси тайинланади.

**Лутфилла МАМАРАЖАБОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Чироқчи туман суди раиси



## ҚАРЗДОРЛАР ҲАМ ЧЕТГА ЧИКА ОЛАДИМИ?

— ОПАМДАН озроқ қарзим бор. Лекин ҳеч қандай ҳужжатлаштирилмаган. Бу четга чиқишимни чеклашга асос бўла оладими?

**Г.МАНСУРОВ,**  
Гулистон шахри

— Маълумки, қонун ва қарорларимиз бўлган кун талаби асосида қабул қилинмоқда ҳамда инсон ва унинг манфаатларига талаб мос келмоқда. Фуқаролар ҳаётда дуч келадиган ҳар бир ҳолат тўғрисида қонунчилигимизнинг такомиллаштирилаётганлиги бу борадаги ютуқлардан биридир. "Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахсини Ўзбекистондан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор 2019 йилнинг 12 ноябрда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Унга кўра, қарздор жисмоний шахсининг Ўзбекистондан чиқишини вақтинча чеклаш ижро ҳужжати қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда қўлла-нилади.

Қуйидаги ҳолларда қарздорнинг четга чиқиши чекланмайди:

- қарз микдори БҲМнинг 5 бараваридан (1 115 000 сўмдан) ошмаса (аввал бу микдор 446 000 сўмни ташкил этган), алимент ёки бошқа даврий тўловларни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бундан мустасно;
  - суд қарорини ижро этиш учун етарли мол-мулк олиб қўйилган бўлса;
  - қарздор юридик шахс бўлганда.
- Қарздорнинг четга чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида ундирувчи (унинг вакили) ариза билан Мажбурий ижро бюросига мурожаат этиши мумкин.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича қарор чиқарилади ёки ариза рад этилади.

Чеклов қўйилганлиги ва олиб ташланганлиги ҳақидаги маълумот идораларо ҳамкорлик тизими орқали ички ишлар органлари ва чегара қўшинларига юборилади.

Қарздорнинг четга чиқиши вақтинча чекланганлиги ёки чеклов олиб ташланганлиги ҳақида унга ёзма хабар (электрон почта) ва телефон (мобил алоқа) орқали СМС юборилади.

Яна бир муҳим жиҳат бор. Қуйидаги ҳолларда: Ўзбекистондан ташқарида касалхонага ётқизишни талаб қиладиган ҳолларда;

Ўзбекистондан чиқиб кетувчи делегация таркибига киритилганда чеклов тўхтатиб турилади ва қарздорнинг четга чиқишига рухсат берилади.

**Саволга Судьялар олий мактаби тингловчиси Насиба ТУРАЕВА** жавоб берди.